O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**САЙЛОВЛАР — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ, ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ АЖРАЛМАС БЕЛГИСИ, ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ЭРКИН ИФОДАЛАНИШИ, ФУҚАРОЛАР ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШИНИНГ АСОСИЙ ШАКЛИДИР.**


# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 1-dekabr • Seshanba • 139-40 (30.100) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan


*Париж шаҳрида Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси ва ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси, Франция астрономик жамияти ва Париж астрофизика институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Улуғ алломанинг илмий меросига бағишланган халқаро конференцияда кўплаб хорижий мамлакатлардан олим ва мутахассислар, Париждаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.*

## УЛУҒ БОБОМИЗ МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ

Мингдан зиёд юлдуз ҳаракатининг астрономик жадвали — Зижи Кўрагонийни яратган, расадхона ва мадрасалар бунёд этган Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 1994 йил «Мирзо Улуғбек йили» деб эълон қилиниб, аллома таваллудининг 600 йиллиги халқаро миқёсда, жумладан, ЮНЕСКО қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрида кенг нишонланган эди.

Конференцияда буюк бобомиз Мирзо Улуғбек илмий фаолиятининг турли жиҳатларига, жумладан, Зижи Кўрагонийнинг жаҳон илм-фани ривожида тутган ўрни, Европада буюк алломанинг илмий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, Мирзо Улуғбек давридаги таълим тизими ҳамда мутафаккирнинг ҳаётига доир маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди. Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Мирзо Улуғбек фаолиятининг барча жиҳатларини, илмий меросини чуқур тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар қилингани ва бу жараён изчил давом этаётгани қайд этилди.

— Парижда ўтган мазкур нуфузли анжуман жаҳон миқёсида, жумладан, Европада, буюк бобомиз Мирзо Улуғбекнинг илмий ва маънавий меросига қизиқиш ғоят катта эканлигини яна бир бор намоён этди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институти директори Ш.Эгамбердиев. — Бу мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ишларнинг юксак самараларидандир.

**(ЎзА)**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори. Партиямиз аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашади.**

**ЎЗХДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

4-5-бетлар



**8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун**

## ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК, ШАЪН ВА ҚАДР

*Бош қомусимизнинг ҳар бир моддасида акс этган*

***Конституциямизнинг 17 йиллиги арафасида ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Конституция — миллий ҳуқуқимизнинг асосий манбаи» мавзуида семинар ўтказилди. Унда Юристлар малакасини ошириш маркази ўқитувчилари, Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ коллежи талабалари, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари иштирок этди. Сўзга чиққанлар Конституциямизнинг мазмун-моҳияти, амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўтган давр мобайнида қонунларимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида сўз юритдилар.***

— Адолатли бўлиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уни амалда таъминлаш ғояларига кишилик жамиятида доимо юксак назар билан қаралган, — деди Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири Ҳалим Бобоев. — Қадимий муқаддас қўлёзмаларда ҳам алоҳида таъкидланганидек, адолатнинг улуғлиги ва уни эъзозлаш ҳар бир диёнатли одамнинг муқаддас бурчидир.

*(Давоми 2-бетда)*



*Жорий йилнинг 26-27 ноябрида «Интерконтиненталь — Тошкент» меҳмонхонасида «Болаликдан улғайиш сари: ижтимоий ҳимоя, ижтимоий иш, ижтимоий интеграция» мавзусида икки кунлик халқаро форум бўлиб ўтди.*

**Халқаро форум**

## «БОЛАЛИКДАН УЛҒАЙИШ САРИ...»

Мамлакатимизда халқ турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш, иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, айниқса, ногирон, етим қолган болаларни муҳофазалашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик қилиб келинади. Бу борада республикамизда фаолият кўрсатаётган жамоатчилик ташкилотлари, жамғармалар ҳам кўп хайрли ишларни амалга ошириб келяпти.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатлами, болалар ва ёшларни ижтимоий ҳимоялаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг жадал такомиллашиб бораётган йўналишиларидан биридир. Зеро, йўналиш барқарор ривожланишини таъминловчи қатор қонун ва қонуности актлари, давлат дастурлари қабул қилинди, ҳаётга татбиқ этиляпти.

Жумладан, сўнгги 5 йил давомида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen yolgiz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳар йили халқаро форум ва конференциялар ташкил этиб келмокда. Бу борадаги халқаро тажрибалар ўрганиляпти.

Республика Болалар Ижтимоий мослашуви маркази, «Sen yolgiz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги Ривожланиш дастури, ЮНЕСКО Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорликда ўтказган «Болаликдан улғайиш сари: ижтимоий ҳимоя, ижтимоий иш, ижтимоий интеграция» халқаро форуми ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Мазкур форум оилалар, болалар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида ижтимоий интеграциясини таъминлашга йўналтирилган хизматларни тақдим этиш тизимини ривожлантиришнинг ҳамкорликдаги стратегиясини шакллантиришга бағишланган.

2-бет

***Республика Байналмилал маданият марказида Ўзбекистон Фанлар академияси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар ҳамкорлигида Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган “Истиқлол: ислоҳотлар моҳияти, тараққиёт ва демократия” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

***Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.***

***(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 4-модда)***

## ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий-маданий марказлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, олимлар, ўқитувчилар иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Р.Убайдуллаева, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов, «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини ошириш, Ватанимизнинг куч-қудрати ва иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги аҳиллик, тинчлик ва тотувлик жамиятимиздаги меҳр-оқибат, бағрикенглик муҳити муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг тили ва урф-одатларини сақлаш, ривожлантириш масалаларига улкан эътибор берилаётир.

Бугунги кунда юртимизда бир юз элликка яқин миллий маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Бир оила фарзандларидек истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг урф-одат ва анъаналари, қадриятларини асраб-авайлаш, янада равнақ топтириш, ёш авлодни эзгулик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, бунёдкорлик руҳида тарбиялашга, уларда фаол фуқаролик позициясини қарор топтиришга ушбу марказлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Анжуманда Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз, виждон эркинлигининг конституциявий асослари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, Ўзбекистон Конституцияси — диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувлик таъминланишининг кафолати каби мавзуларда маърузалар тингланди. Шу куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» фестивали бўлиб ўтди. Унда санъат усталари, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказларининг концерт дастури ҳамда тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси намойиш этилди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**



**ЯНГИЛАНИШ, ЎЗГАРИШНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА**

2



**УЙИНГИЗ НУРГА ТЎЛСИН**

3



**ҲУЖЖАТСИЗ «ДОРИФУРУШЛАР»**

8

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган



# ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК, ШАЪН ВА ҚАДР

## Бош қомусимизнинг ҳар бир моддасида акс этган

Ҳаётнинг барча соҳаларида одамлар тенг ҳуқуқли бўлиши, талаб ва эҳтиёжларни мувозанатда сақлаш, бошқаларга озор бермаслик қонунларимизнинг энг биринчи талабидир.

— Конституциямиз халқимизнинг эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар, демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек азалий орзусининг маҳсулидир, — дейди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Марказий бошқаруви раиси Акмал Умаралиев. — Юртимизда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчи, масъулияти қонунларимиз орқали кафолатланган. Жумладан, биз ёшларнинг ўқиб билим эгаллашимиз, бепул таълим олишимиз учун барча имкониятлар етарли. Ўз маҳоратимиз, салоҳиятимизни ҳар соҳада намойиш қила олишимиз мумкин. Яқинда ўтказиладиган сайловда биз ҳам фаол иштирок этишимиз, ўз овозимиз билан муносиб номзодлар сайланишига ҳисса қўшишимиз зарур.

— Жамият ва давлат ривожида, амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиш мамлакатимиз фуқароларининг конституциявий бурчидир, — дейди Солиқ коллежи талабаси Улуғбек Исматов. — Биз ёшлар ўз ҳуқуқларимизни англаган ҳолда бурчимизни ҳам бажариб бормоғимиз лозим.

Берилаётган, яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда жамиятда ўз ўрнимизни топиб, юрт тараққиёти, манфаати йўлида бор куч ва салоҳиятимизни ишга солмоғимиз даркор.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мухтасар Абдураҳмонова, Юристлар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси Одилжон Сулаймонов, Зулфия мукофоти лауреати Қумар Бекниёзовалар мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланишини таъкидлаб ўтишди.

Семинарнинг иккинчи қисми интерфаол шаклда савол-жавоб, баҳс-мунозара ва очиқ мулоқот руҳида ўтди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Суратлар муаллифи Абдивоси ҲАЙДАРОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

**«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти**

# ЯНГИЛАНИШ, ЎЗГАРИШНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VII қурултойида дастурий мақсадга эришишда ёшларнинг иштироки муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди. Партия ғоясини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш билан бирга, уни амалга оширишда уларнинг фаол қатнашишига эришиш долзарб масала сифатида эътироф этилди.**



Бугун ЎзХДПнинг Фарғона вилоят кенгаши атрофида бирлашган аъзолардан салкам ўн тўрт минги 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Партиянинг Фарғона вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти «ЎзХДП VII қурултойи якуни, партия сайловолди ишлари, демократик сайловларда ёшларнинг иштироки» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда партиянинг истиқболдаги устувор вазифалари сифатида белгиланган йўналишлар таҳлил этилиб, уни амалга оширишда ёшлар иштироки қай даражада бўлиши ҳақида фикр алмашилди.

— Мен ЎзХДП Дастурини ўрганганимда эътиқодим, ҳаётий мезонларим унга мос келишини ҳис қилдим ва шу партияга аъзо бўлдим, — дейди Бунёд Аҳмадалиев. — Партия қурултойида мақсадга эришиш учун кураш йўлларининг янгича стратегияси таклиф этилса-да, ижтимоий ҳимоя борасидаги ғоялар ўзгармагани - бу соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш борасида таклифлар айтилгани кўпчиликни хурсанд қилди. Чунки бозор шароитида ижтимоий ҳимоя энг халқчил ғоя ҳисобланади.

— Партия қурултойи материаллари билан унинг интернетдаги вебсайти орқали танишдим, — дейди Фарғона ҳуқуқшунослик коллежи ўқувчиси Расул Акбаров. — Ўз мақсад ва ғоялари билан очиқ мулоқот таклиф этаётган ЎзХДПни дадил партия деб ҳисоблайман. Биз ёшлар ҳам тенгқурларимиз билан Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, ёшлар келажаги ҳақида ошкора фикр алмашишимизнинг аҳамияти катта. Улардан энг мақбулини келгусида иш фаолиятимизда қўлламоғимиз керак.

— Мен ёшларнинг бўлажак сайловларда имкон қадар кўпроқ қатнашишлари учун ҳаракат қиламан, — дейди «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолларидан Нуржаҳон Мусаева. — Ёшларнинг овози — уларнинг бизга билдирган ишончи ҳисобланиб, бу партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошишини таъминловчи куч ҳисобланади.

Шу куни «Биз болалар учун бирлашдик» ижтимоий сиёсий клубининг тақдимоти бўлиб ўтди. ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Зиёдахон Абдуллаева, «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Сардор Абдуллаевлар клубнинг мақсад ва вазифалари, режалари ҳақида гапирдилар.

Ҳар қандай сиёсий бирлашмаларда унинг келажаги ҳамда ғоявий давомчиси сифатида ёшларга алоҳида эътибор бериб келинган. Зеро, ёшларнинг дунёқарашида янгича фикрлар, илғор қарашлар мужассам бўлиб, бу тараққиёт мезонларидан бири ҳисобланади.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Сурат муаллифи Шамсиддин ҚОРАБОЕВ.***

**8 декабрь — Конституция қабул қилинган кун**

# ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК

***Асосий Қонунимизнинг 18-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар.***

Асосий қонунда ушбу ҳуқуқнинг акс эттирилиши мамлакатимизда инсонларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги таъминланишининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ юртимизда муқаддас динимиз ва миллий урф-одатларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни тўлиқ тиклана бошланди. Энг муҳими, мамлакатимизда кишиларнинг эътиқод эркинлиги қонун асосида кафолатланди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун диндорлар ҳаётида эмас, балки жамият маънавий ҳаётида ҳам улкан воқеа бўлди.

> **«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ва хеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».**
> **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси**

Мазкур қонун билан барча фуқароларнинг миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамлаб қўйилди. Аниқроқ айтганда, диннинг юксак маданият ва маънавият воситаси эканлиги, беқиёс ахлоқий-тарбиявий қудрати, шунингдек, камтаринлик, камсуқумлик, ҳалоллик ва покликка ундовчи қадриятлар миллий қадриятлар қаторида қонуний тан олинди.

Шу билан бирга, диндан ғаразгўйлик мақсадида фойдаланиш, диний омиллар воситасида сиёсат ва давлат ишига аралашиш каби ҳолатлар қатъиян ман этилди. Давлат ва дин ўртасида кечадиган муносабатлар аниқ тартибга солинди. Мусулмонлар ҳаётида қутлуғ саналар ҳисобланган Рамазон ва Қурбон ҳайити кунларини доимий суръатда байрам сифатида нишонлаш ва уларнинг дам олиш кунлари деб эълон қилиниши мустақил давлатимиз тарихида алоҳида бир саҳифа очди.

Ўзбекистон мусулмонлари бевосита ҳукумат ёрдамида ҳар йили муқаддас Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятига эришдилар. Шунингдек, давлат томонидан бошқа дин вакилларига ҳам ўз динларидаги муқаддас қадамжолар ҳисобланган жойларни эркин зиёрат қилиш имконияти яратиб берилди.

Шўро даврида мамлакатимизда бор-йўғи 89 та масжид ва иккита мадраса ишлаган бўлса, ҳозирги кунда Ўзбекистон Мусулмонлари идораси бошқаруви остида расмий рўйхатдан ўтган 2000 дан ортиқ масжид фаолият кўрсатиб келмоқда. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига биноан Ўзбекистон Мусулмонлари идорасига қарашли «Мир Араб», «Кўкалдош» ислом ўрта махсус билим юртлари, «Ҳадичаи Кубро», «Жуйбори Калон» номли аёл-қизлар ислом ўрта махсус билим юртлари каби 10 та диний ўқув юртида фуқаролар таҳсил олишяпти. Булардан ташқари, Рус православ черковининг Тошкент ва Марказий Осиё семинарияси ҳамда Ўзбекистон Тўлиқ евангель христианлари марказининг Тошкент протестант семинарияси ҳам белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Шунингдек, турли миллат вакиллари ҳам ўзлари эътиқод қиладиган динларида эмин-эркин ибодат қилмоқдалар. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 15 турдаги 170дан ортиқ ноисломий диний ташкилотлар расман фаолият кўрсатаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Диний ташкилотларга эркин фаолият олиб боришларини таъминлаш мақсадида давлат томонидан кўплаб имтиёзлар яратиб берилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги фармойиши билан уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқава сув ва маиший чиқиндилар)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлаш ҳуқуқи берилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги қарори билан Тошкент Ислом институти ва ислом ўрта махсус билим юртлари битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилди ҳамда ана шу ҳужжат (диплом)ларга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда дин соҳасида амалга оширилаётган тадбирларнинг асосий мақсади инсонларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини тўла таъминлашга қаратилган.

**Зикрилло МАҲМУДОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими.**

# «БОЛАЛИКДАН УЛҒАЙИШ САРИ...»

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро форумда мутахассислар, экспертлар томонидан республикамизда бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ижобий баҳоланди.

**АНИТА НИРОДИ ХОНИМ,**
**БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори:**

— Ўзбекистонда ҳукумат томонидан болаларни ижтимоий муҳофазалаш, уларнинг таълим олиши, соғлиғини ҳимоялаш, ногирон болаларни ҳаётга мослашувига катта аҳамият қаратилади. — Республикада ЮНИСЕФ ҳамкорлигида олиб борилган ишларимиз натижаси Ўзбекистонда болалар улғайиб, ҳаётга мослашиб олгунга қадар бўлган даврда уларга хизмат кўрсатишнинг такомиллашган яхлит бир тизими шаклланганлигининг гувоҳи бўлдик. Қолаверса, ўзбек халқининг бола тарбиясида мурувватлилик, меҳр-оқибат, ғамхўрлик, шафқатлилик каби миллий қадриятлари борки, бундан ҳамма бола бирдай баҳраманд бўлади...

Маърузачилар томонидан ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳуқуқий бошқаруви, ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш, профилактика, ижтимоий интеграция, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳот шароитида узлуксиз таълим, ёшларнинг иш билан бандлик масаласи, ижтимоий реабилитация ва патронаж, тиббий-иқтисодий экспертиза ва реабилитация хизматини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар айтилди, мулоҳазалар билдирилди.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Суратда:** Халқаро форумдан лавҳа.

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Кучли фуқаролик жамияти сари**

# ХАЛҚ ИШОНЧИ УЧУН КУРАШ

***«Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун мамлакатимизнинг парламент фаолиятини ташкил этишда сиёсий партияларнинг ўрни ва таъсирини янада ошириш, сайлов тизими ва қонунчилигини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш, сиёсий партияларнинг ваколатларини кенгайтириш ва фаоллигини кучайтириш мақсадларини ўз зиммасига олган. Унга кўра, Конституциямизнинг 77-моддаси 1-қисми эндиликда қуйидагича таҳрир этилади: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.***

Қонунчилик палатасининг 135 нафар депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан бевосита фуқаролар томонидан, 15 нафари эса экологик ҳаракатдан мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан сайланади.

Бир томондан, Қонунчилик ташаббусига эга бўлган депутатлар сонининг кўпайиши қабул қилинаётган қонунларимизнинг сифати ва самарадорлигини оширса, иккинчи томондан, улар сафида экологик ҳаракат вакилларининг бўлиши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш имконини беради.

Муҳим ўзгаришлардан бири Президент сайлови билан алоқадор бўлиб, янги қонунга кўра Президентликка номзодни ташаббускор гуруҳ томонидан кўрсатиш ҳуқуқи тугатилди. Эндиликда бу ҳуқуқ фақат сиёсий партияларга тегишли бўлди.

Сиёсий партияларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун қўйилган талаблар енгиллаштирилди. Илгари, қонунчиликда сайловда қатнашиш учун 50 минг нафар сайловчининг овозини тўплаш зарур бўлган бўлса, амалга кирган янги қонунга мувофиқ ушбу миқдор 40 мингтага ўзгартирилди. Бундан ташқари, қонунчиликдаги сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин рўйхатдан ўтиши кераклиги тўғрисидаги талаб ҳам ўзгартирилиб, ушбу муддат 4 ой қилиб белгиланди. Демакки, сиёсий партия сайлов кампанияси расман бошланганлиги эълон қилинган кундан бошлаб камида тўрт ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиб, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин. Бу ерда шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, имзо тўплаш жараёнида уларни қалбакилаштириш ва бошқа ноқонуний йўллар билан уларни йиғиш тақиқланади. Агарда бундай ҳолат аниқланса, сиёсий партиянинг сайловда қатнашиши рад этилиши билан бир қаторда, қонунда белгиланган жавобгарлик масаласи кўриб чиқилади. Жумладан, Жиноят кодексининг 146-моддасида сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, яъни овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ва референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақларига сохта ёзувлар киритиш ёхуд берилган овозларни нотўғри ҳисоблаш учун жавобгарлик белгиланган. Жиноят кодексининг 147- моддасида эса фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, уларнинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек, уларнинг референдумда иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилингани учун озодликдан маҳрум этишгача бўлган жиноий жавобгарлик белгиланган.

Илгари Олий Мажлис сайловида қатнашаётган депутатликка номзодларнинг 5 нафарга қадар ишончли вакили бўлса, ўзгаришга асосан уларни 10 нафаргача етказишга рухсат этилди. Бу янгилик натижасида номзоднинг манфаатини кўзлаб ташвиқот юритувчи, сайлов комиссияларида унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи кишилар сони кенгаяди.

Сайлов қонунчилигида «Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили» деган янги меъёр киритилди. Уни ишончли вакиллардан ажратиш лозим. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили сайлов участкаларида овозларни санаш жараёнида қонун ҳужжатларига риоя этилишини бевосита кузатиб бориш, ўз партияси номзодини кўрсатган сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда қатнашиш, сайлов имзо варақларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилди. Янги киритилган қонунга мувофиқ, сайлов натижалари билан норози томонлар сайлов комиссияси қарорлари устидан шикоят бергач, нафақат унинг натижасини кутиш, балки кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, ушбу институт орқали фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Бу борада халқнинг иродасини, ишончини бевосита сиёсий партиялар амалга ошириши кўзда тутилган. Сиёсий партиялар ана шу ишончга суянади, шу ишончни оқлаганлар сайловларда ғалаба қозонади.

**Комил ШАРИПОВ,**
**Сурхондарё вилоят ИИБ ИҲҲҚ ва ЮТБси бошлиғи, подполковник.**

**Долзарб мавзу**

***Мамлакатимизда электр энергиясини ҳосил қилиш, ундан фойдаланиш ишларига ўтган асрнинг йигирманчи йилларида киришилганди. Ўзбекистондаги биринчи гидроэлектростанция — Бўзсув ГЭСи 1926 йилнинг 1 майида фойдаланишга топширилган. Шундан сўнг, тез орада Бўржар ГЭСи, Оққовоқ, Фарҳод, Чорвоқ ГЭСлари ишга туширилиб, Тошкент ГЭСлари каскади вужудга келади. Шунингдек, Ангрен, Тошкент, Тахиатош ва бошқа ўнлаб иссиқлик электр станциялари бунёд этилади.***

# УЙИНГИЗ НУРГА ТЎЛСИН

## бебаҳо неъмат — электр энергиясининг қадрига етаяпмизми?

Мустақиллик йилларида бу соҳани янада ривожлантириш, аҳолини электр энергиясига бўлган талабини тўла қондириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Сурхондарёнинг Сариосиё туманида Тўпаланг сув омбори ва ГЭСи қурилиши қизғин давом этмоқда. Қанча-қанча станциялар, нимстанциялар ўрнатилди. Ўнлаб электр станцияларидаги энергоблоклар, турбоагрегатлар, энергетик қозонлар, гидроагрегатлар таъмирланди. Бир неча ўн минг километр узунликдаги турли кучланишли электр узатиш линиялари ўрнатилди ва қанчаси таъмирланди. Тармоқ трансформаторлари ва тақсимлаш пунктлари ҳам таъмирдан чиқарилди.

Эндиликда юртимизда электр энергияси кириб бормаган биронта қишлоқ ёки овул қолмади. Барча корхона, ташкилотлар, хонадонлар бу бебаҳо неъматдан баҳраманд бўлмоқда.

Бироқ электр энергияси қанча маблағ ва машаққат эвазига ишлаб чиқарилиб, етказиб берилаётганини кўпчилик тасаввур ҳам қилолмайди. Масалан, ускуналарни таъмирлаш, генераторлар қувватини ошириш каби ишларга «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси 2007 йилда 112,6 млрд. сўм, 2008 йилда эса 155 млрд. сўм сарфлаган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда истеъмолчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда электр энергияси етказиб берилмоқда . Бугунга келиб Ўзбекистон ўзини ўзи электр қуввати билан тўла таъминлаётганлиги энергетика мустақиллигига эришганимиздан далолатдир. Айниқса, 2004 йилнинг ноябрь ойида Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ишга тушгач, мамлакатимизнинг электр қуввати ишлаб чиқариш борасидаги имкониятлари янада кенгайди. Зеро, бу станция замонавийлиги, қуввати жиҳатидан Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

**Шу ўринда савол туғилади: хўш, электр энергияси қандай ҳосил қилинади?**

**Тошкент давлат техника университети электр станциялари, тармоқлари ва тизимлари кафедраси мудири, техника фанлари номзоди, доцент Тўлқин ҒОЙИБОВ шарҳи:**

— Электр энергияси электр станцияларида энергия ресурслари таркибида жамланган энергияни ўзгартириш орқали ҳосил қилинади. Бундай станциялар ва қурилмалар уларда электр энергияга ўзгартирилувчи бирламчи энергиянинг турига мувофиқ номланади. Масалан, гидроэлектр станцияларида тўғон ёрдамида ҳосил қилинган юқори босим остидаги сувнинг механик, иссиқлик электр станциясида — атом ядросининг парчаланишида ҳосил бўлувчи иссиқлик, шамол қурилмасида — шамолнинг механик, қуёш станцияси ёки қурилмасида — қуёш радиациясининг иссиқлик энергиялари электр энергиясига айлантирилувчи бирламчи энергиядир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда электр энергияси гидро (ГЭС) ва иссиқлик (ИЭС) электр станцияларида ишлаб чиқарилади.

ГЭСда тўғон ёрдамида ҳосил қилинган юқори босим остидаги сув катта кинетик энергия билан турбинанинг парракларига урилади. Электр генераторида роторнинг кинетик энергияси электр энергиясига ўзгартирилади.

ИЭСда қозон агрегатида органик ёқилғини ёндириш орқали ҳосил қилинган иссиқлик энергияси ёрдамида сув қиздирилиб, юқори босим остидаги сув буғига айлантирилади. Юқори босим остидаги сув буғи қувур орқали турбинага кириб келади ва у ерда жуда тез кенгаяди. Бунинг натижасида сув буғи молекулалари катта кинетик энергияга эга бўлади. Электр генераторида роторнинг кинетик энергияси электр энергиясига ўзгартирилади. Бундай станцияларда турбинанинг парракларига урилганидан сўнг ундан чиқиб кетувчи босими пасайган сув буғи конденсаторда совутилиб, сувга айлантирилади ва қиздириб, юқори босимли буғга айлантириш учун насос ёрдамида қайтадан қозонга ҳайдалади. Чунки, замонавий катта қувватли ИЭСларда бундай жараёнда фойдаланилувчи кўп миқдордаги сувни махсус қурилмалар ёрдамида тозалаш катта ҳажмдаги иш ва энергияни талаб этади. **Ҳозирги даврда республикамизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 85-90 фоизи ИЭСлар улушига тўғри келади.**

Демак, олимнинг гапларидан кўриниб турибдики, электр энергияси ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Масалан, иссиқлик электр станцияларида электр энергияси ҳосил қилиш учун 90 фоиз табиий газ ишлатилади. 10 фоизини мазут ва кўмир ташкил этади. Эндиликда харажатларни янада камайтириш учун саъй-ҳаракатлар давом эттирилаяпти. Айни пайтда «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамияти йилига 3 млн. тонна кўмир қазиб олаётган бўлса, шунинг 85 фоизи ГРЭСларга сарфланмоқда.

Электр ҳосил қилиш катта меҳнат, сарф-харажат талаб этади.

Турли гидроэлектр станциялари ва иссиқлик электр станцияларини бунёд этиш, трансформатор, нимстанцияларини ўрнатишга кетадиган маблағни тасаввур қилиб кўринг. Ана шундай меҳнат, харажат эвазига кейинги йилларда «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси томонидан аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга етказиб берилаётган электр энергияси учун ҳисоб-китоб ишлари такомиллашди. Бу борада компаниянинг «Энергосотиш» филиалида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

**«Энергосотиш» филиали директори Музаффар Ҳакимов қуйидагиларни гапириб берди:**

— «Ўзбекэнерго» ДАК таркибида электр энергиясини ишлаб чиқарувчи 10 та иссиқлик электр станцияси, 5 та гидроэлектростанциялар каскади, Фарҳод ГЭСи мавжуд.

**«Ўзбекэнерго» компанияси томонидан ўртача бир ойда истеъмолчиларга 180 млрд. сўмлик электр энергияси етказиб берилиб, шундан 40 млрд. сўмлик электр энергияси маиший (аҳоли) истеъмолчиларга узатилмоқда. Шу ўринда электр энергиясини ишлаб чиқариш учун 2009 йил 9 ойи давомида 1656,5 млрд. сўмлик сарф-харажат қилинган.**

Тошкент шаҳри бўйича жорий йилнинг 9 ойи давомида 45,5 млрд. сўмлик сарф-харажат қилинди. Барча сарф-харажатлар компания ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт потенциалини кўпайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар, шаҳарлар ва қишлоқлар истеъмолчилари томонидан электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга кўра республикамизнинг шаҳар ва туманларида электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини (АСКУЭ) жорий этиш белгилаб қўйилганди.

Ушбу тизимдан алоҳида коттежлар, уйлар, кўп хонадонли уйлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа объектлардаги электр энергия сарфини ҳисоблашда фойдаланилади. Тизимдан фойдаланувчи — энергияни тақсимловчи компания электр энергиясини истеъмолчиларга етказиб беради. Компания ахборот маркази орқали нимтизимга келган маълумотларни билиб туради. Шу орқали энергиядан фойдаланиш қоидаларини бузган истеъмолчилар аниқланади. Уларнинг қанча қарзи борлиги компьютерда қайд этилади. Чунки бир кеча-кундузда бир марта марказга хабар келиб тушади. Шунга кўра ҳар ойда истеъмолчи олдига тўлов учун ҳисоб қўйилади. Бундан ташқари, ушбу тизим орқали марказда истеъмолчининг қарздорлиги ҳам ҳисобга олиб борилади. Агар истеъмолчи пулни вақтида тўламаса, тармоқдан узиб қўйилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тизим Тошкент шаҳрининг Миробод, Яккасарой, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Ҳамза, Чилонзор туманларида ҳамда Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида жорий этилган бўлиб, Тошкент шаҳрида 57348 та хонадон, Ангрен шаҳрида 1300 дан ортиқ хонадон электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган.

Бугунги кунда, ушбу хонадонларда электр энергияси исрофини камайтиришга эришилди ҳамда ҳудудларда истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловларни амалга ошириш сезиларли даражада яхши томонга ўзгарди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида республика бўйича истеъмол қилинган электр энергияси учун қарздорлик 2,3 млрд. сўмга, Тошкент шаҳри бўйича 1,9 млрд. сўмга қисқарганини ҳисоб-китоблар кўрсатмоқда. Яқин келажакда, яъни 2012 йилнинг бошларигача бутун мамлакатимиз бўйича электрон ҳисоблагичлар ўрнатилиб, электр энергия истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ) жорий этилади.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳолининг коммунал тўловлар бўйича қарздорлигини камайтириш ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида компания томонидан Давлат тижорат Халқ банкининг «Uz-to'lov» тизими «Пайнет» ва «Лаббай телеком» тизимлари билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Ўз манфаатларини ўйлаб, ўзбошимчалик билан электр энергияси тармоғига уланиб олиш, ҳисоблагични сунъий йўллар билан тўхтатиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу ҳолатлар бўйича электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг 76-бандига мувофиқ электр қурилмалари истеъмолчилар томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоқларига ўзбошимчалик билан уланган тақдирда, электр қурилмалари электр тармоғидан дарҳол узиб қўйилади, истеъмолчидан эса рухсатсиз истеъмол қилинган электр энергиясининг қиймати истеъмолчи расмий равишда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўтган вақт мобайнида (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) ёки даъво муддати уланган электр ускуналарининг қувват бўйича бир кеча-кундузда 24 соат давомида ишлаши ҳисобидан ундирилиши белгиланган.



Шу билан бирга, электр энергияси сарфини қайта ҳисоб-китоб қилиш истеъмолчининг электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилинмаслиги кўрсатилган.

**Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддасида электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш, электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса:**

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорида жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади;

— кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади;

— жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади, деб кўрсатилган.

Юқорида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш, пулини тўламаслик оқибатида етказилган зарар учун айрим жазо чоралари ҳақида фикр юритилди. Бироқ ўзимиз фойдаланган, истеъмол қилган маҳсулотимизга ўз вақтида ҳақ тўлаш виждон амри ҳисобланади. Баъзан қўлимиздаги уяли телефонга ойига 10-15 минг сўм пулни ҳеч оғринмасдан тўлаб юборамиз. Лекин электр токидан фойдаланганлик учун ўз вақтида ҳақ тўлашга келганда лоқайдлик қиламиз. Нега? Чунки, телефонимиз пули тугаса, ўша заҳотиёқ алоқа узиб қўйилади. Электр ҳақидан қарзимиз бўлса, дарҳол узиб қўйилмаслигига ишонамиз. Бунинг устига «бир гап бўлар, монтёр билан келишарман», деган кайфиятда бўламиз. Лекин уйимиз доимо ёруғ, телевизор, музлатгич, дазмол, компьютеру кондиционерларимиз тўхтовсиз ишлашини хоҳлаймиз.

Электр энергияси ривожи, станциялар ускуналари, электр тармоқларини таъмирлаш ёки алмаштириш, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш истеъмолчи масъулияти ва маданиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

**Таҳририятдан:**

**Газетамизнинг 2009 йил 3 ноябрь сонида «Газнинг меҳнати, қадри ва ҳақи» тўғрисида мақола берилган эди.**

**Навбатдаги мақолада газетхонлар эътиборини электр энергияси ишлаб чиқариш жараёни қанчалик катта меҳнат ва маблағ талаб қилишига қаратишга қарор қилдик.**

**Бугун электр энергиясиз кундалик ҳаётимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Тунда чироқ ўчса, хонодон зимистонга айланади, асабийлашамиз, электр тармоғига телефон қила бошлаймиз.**

**Бироқ, ана шу бебаҳо неъматнинг қадрига ҳар доим ҳам етавермаймиз. Чунки, чироқни ёқиш осон-да. Девордаги тугмачани боссанг бўлди, атроф нурафшон бўлиб кетади. Лекин уни ишлаб чиқариш, етказиб келишгача бўлган жараёнга кетадиган сарф-харажаат, меҳнат кўлами тўғрисида ўйлаб кўрмаймиз. Ундан тежаб-тергаб фойдаланиш, ҳаққини ўз вақтида тўлашга ҳаммамиз ҳам эътиборли бўлавермаймиз.**

**Электр энергиясини қанча қадрласак, тежамкор бўлсак, ҳақини вақтида тўласак, бу соҳа ривожига ҳисса қўшган бўламиз. Хонадонларимиз, ишхонамиз, йўлларимиз ҳамиша нурга тўлади, чароғон бўлади.**

---

**2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**

# БУНЁДКОРЛИКЛАР

## *паркентликларни қувонтирмоқда, эртанги кунга ишончини оширмоқда*




*«Муҳандис плюс лойиҳа» МЧЖда «AKFA» ром ва эшиклари тайёрланмоқда.*

***Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми истиқомат қилувчи қишлоқларимизни янада обод қилиш масаласи бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, жумладан, жорий йилга Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб ном берилгани бу борадаги ислоҳотларни бутунлай янги босқичга олиб чиқди. Қишлоқларни обод қилиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Дарҳақиқат, бундан 15-20 йиллар илгари қишлоқдаги шароит бугунгиси билан қиёсланса, катта фарқ борлиги кўзга ташланади. Яқин-яқинларгача қишлоқ дейилса, гуваладан кўтарилган кўримсиз уйлар, қишда лой, ёзда тупроқ кўчалар тушуниларди. Истиқлол шарофати, Президентимиз ташаббуси билан қишлоққа муносабат ўзгарди. Уй-жойлар, тиббиёт ва таълим масканлари, маиший объектлар, йўллар замонавий тус олмоқда.

Тошкент вилоятининг Паркент туманида ҳам қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Туман маркази ва унинг ён-атрофидаги қишлоқлар обод кўча ва хиёбонлар, равон йўллар, кўркам бинолар туфайли янада чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда.

Сўқоқ қишлоғидаги ёшлар узоқ йиллардан буён замонавий мактабда ўқишни орзу қилиб келишарди. Улар таҳсил олаётган мактаб биноси анча йиллар илгари қурилган бўлиб, шароити талабга жавоб бермас, бунинг устига таъмирталаб бўлиб қолганди. Бугун эса қишлоқ марказида 315 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси қад ростламоқда. Шунингдек, Заркент қишлоғидаги 440 ўринли 15-сонли мактаб, туман марказидаги 635 ўринга мўлжалланган 30-сонли мактаб бинолари мукаммал таъмирланди. Бундан ташқари, тумандаги 48 та мактаб, 17 та мактабгача таълим муассасалари ҳамда 14 та қишлоқ врачлик пунктларида ҳам таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда. Туманда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 36 та турли объектлар ишга туширилди. 17 та савдо шохобчаси, 15 та умумий овқатланиш корхонаси, 4 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси шулар жумласидандир. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Заркент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Арко стиль» қўшма корхонаси, «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Азия Керамика строй» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси иш бошлади. Қорақалпоқ, Бўстон, Бойқозон, Чотқол қишлоқларида «Фрут продекс», «Илдиз Паркент Агро», «Янги ғишт сервис», «Мирсобит Сардор» сингари қатор корхоналар фойдаланишга топширилди.



*Сўқоқ қишлоғидаги янги мактаб қурилишида.*

— Туманимиз ҳудудида жорий йил охиригача 10 миллиард 917 миллион сўмликдан зиёд турли бунёдкорлик ишларини бажариш кўзда тутилган, — дейди Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Муҳиддин Нажмиддинов.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 8,8 километр узунликдаги табиий газ тармоқлари, 11 километр узунликдаги ичимлик сув қувурлари тортилиб, аҳолига қатор қулайликлар яратилди. Бундан ташқари, аҳоли хонадонларида турли ободонлаштириш ишлари бажарилди. 38 километрдан зиёд ариқлар тозаланди. Сўқоқ қишлоғига борадиган йўлнинг 6 километрдан зиёдроқ қисмида асфальтлаш ишлари поёнига етказилди.

Буларнинг барчаси истиқлол шарофати, давлатимизнинг қишлоқ аҳлига бўлган эътибори туфайли, албатта. Бу ўзгариш ва янгиланишлар одамларнинг руҳини кўтармоқда, эртанги кунга ишончини оширмоқда. Бугун Паркентнинг ҳар бир тонги ҳар бир оилага, қишлоққа кўпдан-кўп орзу-ҳаваслар олиб кирмоқда...

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Зиёдулла Нормуродов олган суратлар**

---

**Ахборот**

### ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

***Нон — ризқ рўзимиз, дастурхонимиз кўркидир. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Денов туманида аҳолини ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қатор ишлар давом этмоқда.***

Бу эса ёшлар ва хотин-қизларнинг муқим иш жойларига эга бўлишида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Айни кунларда Деновда элликдан ортиқ сифатли нон ишлаб чиқарадиган цехлар фаолият кўрсатаётган бўлса, эндиликда уларнинг сони яна биттага кўпайди.

«Сурхон мева сабзовотлари» масъулияти чекланган жамият улгуржи ҳудудий базасида ўн турга яқин нон тайёрлаш йўлга қўйилди. Цех бир кеча-кундузда 10 минг 500 дона сифатли маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Қувонарлиси шундаки, бу ерда 21 нафар хотин-қиз ҳамда ёшлар янги иш жойларига эга бўлишди.

**Абдумалик Ҳайдаров,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

## ШАРАПАТДИН АЯПОВ

### *(1-Нукус сайлов округи)*



***1954 йили Чимбой туманида туғилган. 1980 йилда ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетини тамомлаб, меҳнат фаолиятини Қорақалпоғистон телерадио қўмитасида муҳаррир вазифасидан бошлаган.***

1983-1986 йилларда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Қорақалпоқ адабиёти кафедрасининг ўқитувчиси, 1987-91 йилларда «Қорақалпоғистон» нашриётида муҳаррир, бош муҳаррир, директор вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган. 1992 йилдан 2002 йилга қадар Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ўқитувчиси, доценти. 2002 йилдан Нукус давлат педагогика институтида Миллий ғояни тарғибот-ташвиқот қилиш маркази мудири.

Қорақалпоғистон Халқ таълими аълочиси. 2006 йилдан ЎзХДП аъзоси.

У ЎзХДП ташкилотлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти билан биргаликда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги долзарб мавзулар юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларида фаол қатнашиб келмоқда.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ҳар томонлама ривожланган демократик жамият қуришга қаратилган, — дейди у. — Партиямизнинг Сайловолди дастури ва режасида аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялаш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бу борада ўтган йиллар давомида партиямиз етарли тажриба тўплади. Ўзининг амалий ишлари билан электорат эътиборини қозонди. Ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш зарур. Жамиятда ҳеч кимнинг ёлғизланиб қолмаслиги, айниқса, ёрдамга муҳтож инсон давлат ва жамият эътиборида бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада партиямиз ва депутатларимиз зиммасига катта масъулият юкланади.

Муаммо ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Томонларнинг хато-камчиликлари эвазига пайдо бўлади. Менинг номзодим қўйилган сайлов округида ҳам ўзига хос муаммолар бор. Улардан айримларининг ечими янги қонун ҳужжатлари қабул қилишни талаб этса, аксарияти ҳар бир юридик ва жисмоний шахс учун мажбурий бўлган қонун ҳужжатлари ижросини амалда тўлиқ таъминлаш билан боғлиқ. Агар депутат этиб сайлансам, қонунлар ижросининг назорат-таҳлилида қатнашиш, парламент назорати ҳуқуқидан фойдаланиш орқали уларни жойларда тўлиқ ижро этилишини таъминлаш асосий вазифаларимдан бири бўлади.

## ЖАҲОНГИР ЯКУПОВ

### *(2-Тўрткўл сайлов округи)*

***1968 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида туғилган. 1992 йилда Тошкент политехника институтини тугатган. Мутахассислиги — қурувчи-муҳандис.***



Меҳнат фаолиятини 1992 йил Беруний туман халқ таълими бўлимида бошлаган. 1997-2001 йилларда туман ҳокимлиги девонхона мудири, қурилиш, транспорт, саноат ва алоқа масалалари бўйича бош мутахассис, котибият ва девон мудири, 2001-2006 йилларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Беруний туман кенгаши раиси лавозимларида фаолият кўрсатган. 2006 йилдан Беруний енгил саноат касб-ҳунар коллежи директори.

Халқ депутатлари Беруний туман Кенгаши депутати.

Ишга қобилиятли аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш, бу борада ҳудудий дастурларнинг ижросини охирига қадар бекаму-кўст бажариш масалаларини кўтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ўқитувчи ва шифокорларнинг меҳнатдан манфаатдорлик даражасининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш, бу борада барча шарт-шароитларни яратиш, таълим тизими ходимларини бепул тиббий хизмат билан таъминланишига эришиш, иш ҳақи, нафақа олувчиларнинг истеъмолини тўлиқ қаноатлантирадиган даражага эришиш каби эзгу ишларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди.

— Агар депутат бўлиб сайлансам, — дейди у. — Қонунлар ижросини таъминлаш бўйича маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамжиҳатликда иш ташкил этмоқчиман. Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасида уй-жой коммунал хизматларини талаб даражасига кўтариш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, тўлиқ газлаштиришга эришиш, ички йўлларни замон талаби даражасида қуриш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисини маданий ҳордиқ чиқаришлари масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Транспорт хизмати сифатини яхшилаш, унинг нархлари ошишига йўл қўймаслик борасида ўйланган режа, ишланган дастурларимни ҳаётга татбиқ этмоқчиман.

Мен сайланадиган округ аграр ҳудуд ҳисобланади. Сув танқислиги, қиш ойларида табиий газ таъминотида узилишлар бўлиб туради. Шунга ўхшаш муаммолар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам йўқ эмас. Бу масалаларни бартараф этиш борасида ҳам депутатлик ваколатимдан фойдаланиб, алоҳида ташаббусни илгари сурмоқчиман.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастурида белгиланган замонавий типдаги ҳовли-жойлар қурилишини бундан кейин ҳам давом эттириш, бу ишларни чекка қишлоқларда ҳам амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Бундай эзгу ишларнинг самараси бизнинг фаолиятимиз, ташаббусимизга ҳам боғлиқ бўлади.

## НУРАДДИН ФАХРУДДИНОВ

### *(3-Элликқалъа сайлов округи)*



***1960 йилда Элликқалъа туманида туғилган. 1978-1979 йилларда туман алоқа боғламаси оператори вазифасида ишлаган. 1984 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган.***

1985-1988 йилларда Элликқалъа туманидаги Охунбобоев номли хўжалик ҳисобчиси, 1988-1990 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош иқтисодчиси, 1990-1992 йилларда Элликқалъа туман агросаноат уюшмаси ҳисобчиси, 1992-1996 йилларда «Агрохизмат» уюшмаси раисининг ўринбосари, 1996-2002 йилларда Г.Одилов номли фермер хўжаликлари уюшмаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатди. 2006 йилдан «Тўртёп МТП» масъулияти чекланган жамият раҳбари.

Нураддин Фахруддинов малакали мутахассис, ташаббускор раҳбар сифатида жамоадошлари орасида эътибор топди. У изланувчан, ташаббускор бўлиш билан бирга, атрофидагиларни эзгу мақсад йўлида эргаштириш қобилиятига эга. Ижтимоий соҳага оид қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббусини илгари сурмоқчи.

— Меҳнат аҳли ҳуқуқларини иш берувчилар олдида кафолатли ҳимоялашга эҳтиёж бор — дейди у. — Бу меҳнат кодекси талабларидан келиб чиқади. Шундай экан, ушбу соҳада амалдаги қонунларни такомиллаштириш ҳаётий заруратдир.

Депутат бўлсам, албатта ЎзХДПнинг дастурий ғоялари ва Сайловолди сиёсий позицияси, сайловчиларнинг учрашувларда берган таклифлари фаолиятимнинг асосий йўналиши бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси сифатида аҳолининг ижтимоий заиф қатлами манфаатларига жавоб берувчи қонунлар қабул қилишда, ижтимоий йўналтирилган меъёрий ҳужжатларнинг амалий бажарилишини назорат-таҳлил қилишда фаол қатнашаман.

Ҳудудимизда аҳолини ташвишлантираётган ижтимоий масалалар мавжуд. Масалан, коммунал хизматлардан фойдаланиш нархи аҳолининг биз ҳимоя қиладиган қатлами даромадларига унчалик мос эмас.

Коммунал хизматлар нархларининг ўсиши устидан молиявий ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорликда ҳукуматнинг қишлоқ аҳоли турмушини яхшилашга қаратилган қарорларининг ижросини тўлиқ таъминлашга эришиш, қишлоқ жойларда ёнилғи ва минерал ўғитларга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман. Депутат этиб сайлансам, ўз депутатлик ваколатимдан фойдаланиб, ушбу муаммолар ечими учун курашаман.

## НАЗИРА МАТЯКУБОВА

### *(4-Амударё сайлов округи)*

***1968 йилда Тўрткўл туманида туғилган. Маълумоти олий. Мутахассислиги — журналист.***



Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Тўрткўл туманидаги «Ғалаба» хўжалигининг ишчиси сифатида бошлаган. 1991 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. 1991-1995 йилларда «Жайхун» журнали муҳаррирининг ўринбосари, 1995-2005 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида хотин-қизлар масалалари бўйича етакчи мутахассис, Вазирлар Кенгаши Раисининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўринбосарининг котибияти бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатган. 2003-2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси бўлган. 2005 йилдан «Аму тонги» газетаси бош муҳаррири, 2009 йилдан ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси.

— Ўзбекистон ХДПнинг сайловолди дастури ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож фуқаролар, ўз оиласини боқиш учун доимий иш ва барқарор даромад манбаига эга бўлмаган меҳнатга қобилиятли аҳоли, ишга жойлашишда қийинчиликларга учраётган кишилар, олинаётган пенсия ва ижтимоий нафақалар даражаси турмуш кечириши учун етарли бўлмаган пенсионер, ногиронлар, кўп болали оилалар, асосий даромадни меҳнатдан оладиган, иш берувчилар олдида ишончли ҳимоя қилинишга муҳтож одамлар манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади, — дейди у. — 2009 йил март-август ойларида бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, туман ва шаҳар ташкилотлари конференцияларида ҳам партиямизнинг ушбу дастурий мақсадларига алоҳида эътибор қаратилди, мавжуд аҳвол таҳлил этилди. Бугунги кунда бу борада айрим муаммолар мавжудлиги таъкидланди. Шундай экан, мамлакатдаги изчил ислоҳотларни амалга ошириш билан бир қаторда, ушбу муаммоларни ҳал қилиш партиямиз кўтараётган асосий вазифалардан бўлиб қолади.

Масалан, менинг номзодим кўрсатилган сайлов округининг катта қисмини ташкил этадиган Амударё тумани аҳолиси 163033 кишидан иборат. Улардан 85154 нафари хотин-қизлар, 51256 нафари 16 ёшгача бўлганлар, 4709 нафари ногирон, меҳнатга лаёқатсиз кишилар, 3684 нафари ишсизлар, 115 нафари ёлғиз яшовчи кексалар ҳисобланади. Аҳолининг бундай қатламларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг асосини ташкил этади. Шунингдек, улар партиямизнинг дастурий мақсадлари, Сайловолди платформасида ҳам ўз аксини топган.

Сайловчиларнинг ишончини қозониб, депутат этиб сайлансам, ана шу масалаларнинг самарали ечимини топиш учун курашаман.

## МИРЗАМУРАТ ОРАЗШАЕВ

### *(5-Хўжайли сайлов округи)*



***1952 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Мутахассислиги — агроном.***

Меҳнат фаолиятини 1969 йил Хўжайли йўл қурилиш ва таъмирлаш бошқармасида ишчиликдан бошлаган. Олий таълим олганидан сўнг Хўжайли шаҳридаги 24-сонли касб-ҳунар билим юртида ўқитувчилик қилган. «Дўстлик» хўжалиги раиси ўринбосари бўлган, сўнг давлат ва жамоат ишларида фаолият кўрсатган. 1996-2004 йилларда Хўжайли туман меҳнат бўлими, «Жайхун» хўжалиги, «Агрохимстанция» раҳбари лавозимларида ишлаган. 2004 йилдан «Агросаноат» мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хўжайли туман кенгаши раиси.

М.Оразшаев бир неча маротаба халқ депутатлари туман Кенгаши депутати этиб сайланган. Тажрибали мутахассис сифатида туманда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

— Мен ўз-ўзимга савол бериб кўрдим, — дейди у. — «Депутат бўлсам, қандай ғоя ва мақсадлар учун курашаман?» Албатта, бу кураш менинг номзодимни кўрсатган ЎзХДПнинг платформасидан келиб чиқади. Бунда энг асосий йўналишлар сифатида мен ўзимга иш ҳақини, пенсия-нафақаларни ошириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бюджет соҳаси ходимлари, кўп болали ва боқувчисиз оилалар, манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш масалаларини белгилаб олдим.

Бундан ташқари, одамлар ишончини қозонсам, қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан фойдаланиб, уй-жой коммунал хизматлари соҳасидаги ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, «Коммунал соҳада тарифларни тартибга солиш асослари тўғрисида» ва аҳолини жамоат транспорти ҳамда бошқа хизмат турлари билан таъминлаш сифатини оширишга қаратилган қонунлар ишлаб чиқиб қабул қилишда ўз аниқ таклифларим билан чиқмоқчиман.

Партиямизнинг электорат манфаати ҳимояси йўлидаги ишларини янада кучайтириш, фуқароларни миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик йўлида янада жипслаштиришимиз лозим, деб ҳисоблайман. Шу билан бирга, бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида одамларнинг ижтимоий онги, иқтисодий маданиятини юксалтиришни муҳим деб биламан ва бу ислоҳотлар самарадорлигига эришиш йўлида ҳаракат қиламан.

## ТОЙДИХАН НУРЖАНОВА

### *(6-Чимбой сайлов округи)*

***1960 йилда Тахтакўпир туманида туғилган. 1977-80 йилларда Нукус шоликорлик техникумида таҳсил олиб, уни имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1980-85 йилда Нукус давлат университетида таълим олган. Мутахассислиги — агроном.***



1985 йилдан 2004 йилга қадар «Махпалкўл» ширкат хўжалигида уруғчилик агрономи бўлиб ишлаган. 1986-92 йилларда «Махпалкўл» ширкат хўжалигида турли вазифаларда меҳнат қилди. 2004-йилдан бошлаб «Даўлет-ата-Тахта» фермер хўжалиги раҳбари. ЎзХДП аъзоси.

Унинг ташаббуси билан кам таъминланаган, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кишилар, вақтинча ишсиз хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш юзасидан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Масалан, фермер хўжалигида миллий касаначилик цехи ташкил этилиб, ҳудуддаги ишсиз хотин-қизларнинг кўпчилиги «Уста-шогирд» услубида иш билан таъминланди. Қишлоқ ва овул аҳолисининг турмушини тубдан яхшилаш мақсадида қабул қилинган Президент фармонлари, қарорлари, ҳукумат ҳужжатларининг ижросини таъминлашни мониторинг қилиш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида партия ташкилотлари билан бирга қатор ишларни олиб борди ва бу борада катта тажриба тўплади.

— Агар халқнинг ишончини қозониб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати деган шарафга эришсам, мутахассислар етишмаслиги сабабларини бартараф этиш мақсадида, қишлоқ ёшларининг тиббиёт олий ўқув юртларига киришлари борасида имтиёзлар яратилиши учун ҳаракат қилмоқчиман, — дейди у. — Чунки Оролбўйи минтақасида экологик вазият кескинлигини ҳисобга олсак, минтақада истиқомат қиладиган аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш учун малакали мутахассисларга эҳтиёж катта. Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, қишлоқда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, касаначилик фаолиятини кенгайтириш механизмларини янада такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман.

Менинг сайловолди режам ЎзХДП Сайловолди сиёсий позициясига асосланган. Қишлоқ жойларда спорт, мусиқа мактаблари, академик лицейларни кўпайтириш, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш жуда долзарб масаладир. Қишлоқ врачлик пунктларининг моддий техник базасини янада мустаҳкамлаш, қишлоқда яшовчи муаллимлар, врачларга фоизсиз кредит олиш, коммунал тўловлар бўйича имтиёзлар бериш масалаларини қайта кўриб чиқиш масалаларини кўтармоқчиман. Қишлоққа замонавий, ихчам технологияни кўпроқ киритиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш орқали одамларни иш билан таъминлаш ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига оид ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, уларнинг тўлиқ ижро этилишига эришиш талаб этилади. Агар депутат бўлсам, бу борада менда етарли ҳуқуқ, ваколат бўлади. Ундан эл-улус мнфаати йўлида фойдаланиш менинг эзгу мақсадимдир.

# НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ШИНАРГУЛ ПАХРАТДИНОВА

### *(7-Орол сайлов округи)*



***У 1965 йилда Нукус шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1987 йилда Нукус давлат университетининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини шу йили «Жеткиншек» газетасида мухбирликдан бошлаган.***

1991 йил «Қорақалпоғистон» нашриётида муҳаррир, 1991-1996 йилларда «Қорақалпоғистон ёшлари» газетасида бош муҳаррир, 1997 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ижтимоий масалалар, фан, маданият, спорт бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган. 1997 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигида Академик ансамбллар ва бадиий жамоалар бошқармаси бошлиғи, Маданий-маърифий, кутубхона, музей ишлари бошқармаси бошлиғи, вазир ўринбосари лавозимларида ишлаб келмоқда.

— Сайлов куни яқинлашмоқда, — дейди у. — Ҳар бир партия халқ учун, юрт равнақи учун хизмат қилишга қаратилган дастурлари билан чиқаяпти. Бошқа сиёсий партиялар билан беллашувга киришар экан, партиямиз сиёсий майдонда ўз салоҳиятини аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишга қаратмоқда. Мен партиямиз Сайловолди сиёсий позициясидан келиб чиққан ҳолда, Орол округида ноқулай экологик шароит сабаб ногирон туғилаётган болалар, оналар саломатлигини асрашга долзарб муаммо сифатида алоҳида эътибор қаратиш, ёшлар таълими, битирувчиларни иш билан таъминлаш каби ижтимоий масалалар долзарблигини алоҳида таъкидламоқчиман. Мўйноқ туманидаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш, халқаро грантларни қўлга киритиш орқали турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, ёш ўсмирлар орасида спортнинг оммалашувига эришиш борасида ҳам олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш зарур.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ, қишлоқларимизни ободонлаштириш, янги уй-жойлар қуриш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг катта қисми қишлоқларда яшар экан, бу борадаги ишларни кейинги йилларда ҳам изчил давом эттириш талаб этилади.

Орол нафақат қорақалпоқ халқининг, балки, бутун Марказий Осиёнинг, дунёнинг оғир дардига айланди. Шу округдан депутатликка номзод қилиб кўрсатилган эканман, депутат этиб сайлансам, экологик оғир аҳволда яшаётган кишиларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиламан. Нафақат қонунчилик орқали, балки, амалий ишларим билан ҳам бунга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

## ОРАЗГУЛ НИЗОМАТДИНОВА

### *(8-Оқманғит сайлов округи)*

***1959 йилда Кегейли туманида туғилган. 1982 йили Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини шу йил республика болалар шифохонасида бошлади.***

1983-1984 йиллари туман марказий шифохонаси болалар бўлими шифокори, 1984-1988 йилларда Бозатау туман марказий шифохонаси болалар бўлими мудири, 1988-2002 йилларда Кегейли туман марказий шифохонаси болалар бўлими мудираси, бош педиатри, бош шифокорнинг даволаш масалалари бўйича ўринбосари, туман поликлиникаси мудири, 2002-2008 йилларда марказий шифохона бош шифокори лавозимларида ишлаган. Жорий йилдан бошлаб туман тиббиёт бирлашмаси бўлим мудири сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Халқ депутатлари Кегейли туман Кенгаши депутати. 1998 йили иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени, 2006 йили биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган.

Оразгул Низоматдинова туман ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлашда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Аҳолини қийнаб келаётган ижтимоий масалалар ечимини топишда, ҳар бир оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашда, оналик ва болаликни тиббий- ижтимоий муҳофаза қилишда бир қанча самарали ишларни амалга оширди. Унинг сайловолди дастуридан амалдаги қонунчилигимизга одамларнинг сиҳат-саломатлиги билан бевосита боғлиқ бўлган дори-дармонлар тўғрисидаги қонунларимизга тегишли қўшимчалар киритиш таклифи ўрин олган. Шунингдек, номзод сифатсиз дорилар сотилишининг олдини олиш мақсадида бундай дориларни сотган ва сотаётган шахсларга нисбатан, агар оқибати одамлар соғлиғига хавф туғдирса, жиноий жавобгарликни кучайтириш керак, деб ҳисоблайди. Шунингдек, экологик ва ижтимоий масалалар ечимини топиш бўйича ўз аниқ таклиф-мулоҳазаларига эга. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, қонун ва қарорларнинг жойларда қандай бажарилишини назорат қилишни кучайтириш каби масалалар ижроси ҳам унинг фаолиятида ўз аксини топган.



— Иш тажрибамдан келиб чиқиб, диагностика учун зарурий тиббиёт жиҳозлари, айниқса, рентген аппаратларини сотиб олиш учун тиббиёт муассасаларини қўллаб-қувватлайдиган жамғарма ташкил этиш масалаларини ўртага қўймоқчиман, — дейди у. — Шунингдек, тиббий таълим-тарбия сифатини янада яхшилаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ ва овулларда саноатни ривожлантириш, ҳудудимизда етиштирилаётган хомашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, ёшлар, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда янги иш жойларини ташкил этиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

## ҲАЙТХАН АРТУКБАЕВА

### *(64-Гулистон сайлов округи)*

**1946 йилда Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида туғилган. Маълумоти олий. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини 1966 йилда Гулистон шаҳридаги ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1979 йилга қадар вилоят халқ таълими муассасаларида ўқитувчи, боғча мудираси лавозимларида ишлаган. Сўнгра «Сирдарё ҳақиқати» газетасида бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, «Гулистон янгиликлари» шаҳар газетаси бош муҳаррири бўлиб хизмат қилган. Айни вақтда ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раисининг ўринбосари.

Олий Мажлис Сенати аъзоси. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.

Ҳайтхан опа депутатлик, сенаторлик, партия етакчиси сифатидаги фаолиятига оид ҳужжатлар билан ишлаётганди. Телефон қўнғироғи жиринглади. Ўрта ёшлардаги аёлнинг овози келди.

— Ҳайтхан опа, шанба куни бўлишига қарамасдан сизни безовта қилаётганим учун узр, — деди у қисқача салом-аликдан кейин. — Қишлоғимиз аёллари номидан телефон қилаяпман. Уч кундан бери газ беришмаяпти. Қишнинг қировли кунлари бошланди. Табиий газсиз қийналиб қолдик...

Жиддий масала. Опа дарҳол тегишли мутасаддиларни топиб, шаҳарга ёндош қишлоқда нима учун газ таъминоти тўхтатилгани билан қизиқди.

— Газ қувурининг бир қисми ишдан чиқибди, — деди вилоят газ таъминоти идорасининг раҳбари. — Икки кун ичида ҳаммаси жойида бўлади.

Опа бундай ваъдаларни кўп эшитган. Шунинг учун ҳам бориб, мавжуд ҳол билан шахсан танишмаса, кўнгли жойига тушмайди. Ҳақиқатан ҳам катта йўл этагида одамлар ишлашар, техника, мутахассислар шу ерда эди.

Қишлоққа кириб, маҳалла оқсоқолини топди. Сўнг йиғилиб келган аёлларга вазиятни тушунтирди. Баҳонада улар билан бошқа масалаларда ҳам дилдан суҳбатлашди...

Опанинг ҳар куни деярли шундай ўтади. Ташаббусларни, тушган мурожаатларни эринмасдан ўрганиш, масалани охирига етказиш ва бошқа фазилатлари орқали вилоят аҳолиси, жамоатчилик орасида юксак обрў-эътиборга эга бўлди. Партия электорати манфаатларини амалда таъминлаш бўйича катта тажриба тўплади.



— Агар депутат этиб сайлансам, — дейди у. — Аввало жамиятимизда хотин-қизлар ролини ошириш йўлида астойдил иш олиб бораман. Чунки, жамиятга соғлом, ақлли фарзандни оила, она беради. Яна бир масала мени доимо уйга толдиради. Бу энг кам иш ҳақи ва аҳолининг истеъмол эҳтиёжи ўртасидаги номувофиқлик масаласидир. Бу ҳақда қонун қабул қилиш вақти келди, деб ҳисоблайман.

Ҳозир узоқ-узоқ қишлоқларда ҳам замонавий касб-ҳунар коллежлари бунёд этилиб, фарзандларимизнинг касб-ҳунар ўрганишлари учун қулайликлар яратилмоқда. Бу яхши. Аммо, уларни эртанги кунда иш билан таъминлаш механизми пухта ишлаб чиқилиши лозим. Хотин-қизларнинг меҳнат, дам олиш ва ижтимоий хизматдан фойдаланишининг меъёрий тизимини парламент эътиборига ҳавола қилиш ниятидаман.

## РОМАН КИМ

### *(65-Сайхун сайлов округи)*

***1957 йилда Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1974 йил 7-қурилиш трестига қарашли 2-корхонада дурадгор сифатида бошлаган. Ҳарбий хизматда бўлган. Маълумоти — олий. 1983 йилда Бухоро технология институтини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-иқтисодчи. ЎзХДП аъзоси.***

1983 йилдан 1988 йилга қадар «Гулистонёғ» корхонасида режа бўлимининг катта муҳандиси, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. Шундан сўнг Гулистон шаҳар ҳокимлигида йўриқчи, бўлим бошлиғи, ҳоким ўринбосари вазифаларида, 1997 йилдан 2006 йилгача «Гулистонэкстрактёғ» ҳиссадорлик жамиятида раиснинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, раиси вазифаларида ишлаган. 2006-2009 йилларда «Сирдарёагроэкспорт» масъулияти чекланган жамиятга раҳбарлик қилди, 2009 йилдан «Интер Милк» масъулияти чекланган жамият раисининг ўринбосари.

Роман Тимофеевич ҳаётнинг пасту баландини эрта кўрди. Мактабни битиргандан сўнг олий маълумот олмоқчи эди. Шароит тақозоси билан ишлашга тўғри келди. Дурадгорга шогирд тушиб, ҳунар ўрганди. Ҳозир буни мамнуният билан эслайди. Чунки одамларни билиш, яхши-ёмонни ажратиш учун бу муҳим эди.

Феъл-атвори босиқ, самимий бу инсон қаерда ишламасин, ўз ишини виждонан бажариши, вазифасига масъулият билан ёндашиши, ишни пухта бажариши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам у касбдошлари орасида юқори мавқега, обрўйга эга. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, серфарзанд ходимларга ёрдам кўрсатиш каби ишларда ташаббускор бўлиб одамларнинг ҳурматини қозонди.

— Агар Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, сайловчиларим қўяётган масалаларнинг қонуний ечимларини топиш асосий вазифаларим ҳисобланади, — дейди у. — Мен у ерда ёлғиз ўзим курашмайман. Биз парламентда партиямизнинг нуфузли фракциясини тузишга албатта эришамиз. Маслакдошларимнинг имкониятларидан фойдаланиб, аввало, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, улар учун ҳақ тўлаш тизимини мувофиқлаштириш, нархларнинг асоссиз ўсиб кетиши олдини олиш, электр энергияси таъминотидаги узилишларга чек қўйиш учун курашамиз. Аслида, амалдаги парламентдаги фракциямиз бу борада қатор ташаббусларни амалга оширмоқда. Энди эса уларни янада кучайтириш зарур. Янги шаклланадиган парламентда тузиладиган фракциямиз уларнинг ишини давом эттириб, электорат манфаатлари ҳимояси йўлидаги ташаббусларни янада кўпайтиради. Фракция партия ғояларини қонунда акс эттирадиган асосий куч экан, биз фракциямиз фаолиятини кучайтириш орқали кўзлаган мақсадларимизга эришиш учун курашамиз.



## АҲРОРЖОН ИБОДУЛЛАЕВ

### *(66-Янгиер сайлов округи)*



***1960 йилда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида туғилган. Маълумоти олий, 1982 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тамомлаган.***

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда «Ғаллакор» давлат хўжалигида бошлаган. 1982-1984 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. Хизматдан сўнг яна шу хўжаликда бош муҳандис ёрдамчиси, бош муҳандис, бўлим бошқарувчиси вазифаларида ишлаган. 2004 йилда Навоий маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. 2000 йилдан «Сайрам» фермер хўжалиги раҳбари, 2006 йилдан Ғаллакор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси. ЎзХДП аъзоси.

А.Ибодуллаев меҳнаткашлиги, дала ишлари сирини билиши билан кўп муваффақиятга эришган. Эсини танибдики далада. Суяги деҳқончиликда қотган. Деҳқончиликни даромадли соҳага айлантириш борасида унинг ўз таклифлари бор.

Партиядошлари Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодини қўйиш ҳақида айтганларида дастлаб рад жавобини бермоқчи бўлди. Аммо элнинг ичида юргани, унинг ўй-ташвишларини яхши билгани учун халқимиз ҳаётини янада фаровон қилишга доир ўйлаб юрган ниятларини эслади. Қишлоқ аҳолисининг турмушини яхшилаш, қишлоқда замонавий технология асосида қайта ишлаш корхоналари барпо қилиш, уларда арзон, сифатли, харидоргир маҳсулотлар етиштириш, чорвачилик, паррандачилик соҳаларини ривожлантиришнинг янги йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш каби масалаларни кўпдан бери дилига тугиб юрган эди. Ахир, буларнинг барчаси, пировардида партиямиз дастурида илгари сурилган аҳолини иш, барқарор даромад манбаи билан таъминлашнинг йўллари-ку!

— Партиямиз электоратининг катта қисми қишлоқларда истиқомат қилади, — дейди у. — Шунинг учун қишлоқ аҳли манфаатларини ҳимоя қилишга давлатимиз томонидан жуда катта эътибор қаратилаётганини қўллаб-қувватлайман. Бу жараёнда ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз, ислоҳотлар самарасини ошириш учун курашишимиз шарт. Халқимиз ишонч билдирса, Қонунчилик палатаси депутати сифатида юқоридаги масалаларни амалга оширишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қиламан.

## НИГОРА МАМАДАЛИЕВА

### *(67-Оқолтин сайлов округи)*

***1971 йил Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида туғилган. Маълумоти олий. 1999 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини тамомлаган. Мутахассислиги — филолог ўқитувчи. Сардоба, Фарғона қишлоқларидаги мактабларда, агроиқтисодиёт коллежида дарс берган.***

2002 йилдан бери хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. 2007 йилдан «Ривож сервис Нур» хусусий корхонаси раҳбари. ЎзХДП аъзоси.

Инсон умри қизиқ. Шундай омадли одамлар ҳам бўладики, ёшлигидан орзу-ниятларига тўла-тўкис етишади: севган касби-кори уй-жой, оиласи... Яратганга шукрлар қилиб яшашга арзийдиган неъматлар. Нигора ҳам омад кулиб боққанлардан. У шукр қилишга қилади, лекин бир жойда тўхташ, имкониятлари бўла туриб, уларни рўёбга чиқариш учун курашмаслик унинг табиатига хос эмас.

Касб-ҳунар коллежида ишлаб юрганида Нигоранинг хаёлига ўз корхонамни очиб кўрсам қандай бўлар экан, деган фикр келди.

— Корхонанинг тиниб-тинчимас раҳбари қишлоқнинг собиқ универмаги ўрнида савдо мажмуаси ҳам очди. Бу ерда 6 нафар йигит-қиз ишли бўлди.



Нигора Мамадалиева энди янги иш ўрнилари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш, меҳнат манфаатларини ҳимоялаш борасида амалда тўпланган тажрибасини қонунларда акс эттириш учун курашмоқчи. У партия аъзоси сифатида ҳам шу вақтга қадар бу борада кўплаб ташаббуслар билан чиққан. Аммо уларнинг барчасини ҳам амалга тадбиқ эта олмаган эди. Агар Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланса, қонунларни такомиллаштиришда бевосита иштирок этиш орқали одамларни ўзини-ўзи иш билан таъминлаш, оиласи учун даромад манбаи яратишга шароит туғдириш учун курашмоқчи.

— Ҳар биримиз оила, болачақа турмуши бундан-да яхшироқ бўлсин, деб меҳнат қиламиз, — дейди у. — Аммо, вақти-вақти билан дам олиш, соғлиғимизни мустаҳкамлашни кўпчилигимиз унутиб қўямиз. Баъзан эса, кундалик ташвишдан ортиб, бунга имкон бўлмайди, баъзан қўлимиз калталик қилади. Аслида, иш берувчилар бу ҳақда кўпроқ ўйлаши керак. Чунки, ходимлар қанча соғлом, бақувват бўлса, меҳнати шунча самарали бўлади. Шунинг учун ходимнинг ўз вақтида дам олиши, соғлиғини мустаҳкамлаши учун шароит яратишни иш берувчининг мажбурияти сифатида қонунга киритиш зарур. Бунда маълум бир қулай шартлар асосида барча харажатлар иш берувчи зиммасида бўлиши шарт. Агар депутат этиб сайлансам, қонунларга ана шундан келиб чиқиб ўзгартиш ва қўшимча киритишга ҳаракат қиламан.

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

## «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ОБЪЕКТЛАР НОМИ:**

**1.** «Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, Б.Марғилоний кўчасидаги 9-сонли мусиқа мактабини капитал реконструкциялаш». «ҚМИга».

***Муддати*** — 25.08.2010 й.

***Бошланғич нархи:*** — 635,058700 млн. сўм ҚҚС билан,
— 529,215583 млн. сўм ҚҚСсиз.

**2.** «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Қувасой 10-кўчасидаги 3-сонли мактаб ҳудудида 200 ўринли мусиқа мактаби қурилиши» (I-тип). «ҚМИга».

***Муддати*** — 25.08.2010 й.

***Бошланғич нархи:*** — 2025,986474 млн. сўм ҚҚС билан,
— 1688,322062 млн. сўм ҚҚСсиз.

**3.** «Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, А.Т.Хўқандий мавзесидаги 6-сонли мусиқа ва санъат мактабини 200 ўринли (I-тип)даги концерт зал қурилиши билан биргаликда капитал реконструкциялаш». «ҚМИга».

***Муддати*** — 25.08.2010 й.

***Бошланғич нархи:*** — 1184,246 млн. сўм ҚҚС билан,
— 986,872 млн. сўм ҚҚСсиз.

**4.** «Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, Али Қушчи кўчасидаги 10-сонли мусиқа ва санъат болалар мактаби қурилиши» (II-тип) (150 ўринли). «ҚМИга».

***Муддати*** — 25.08.2010 й.

***Бошланғич нархи:*** — 1819,046 млн. сўм ҚҚС билан,
— 1515,872 млн. сўм ҚҚСсиз.

**5.** «Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар, К.Ёрматов кўчасидаги 23-сонли «Ширинтой» болалар боғчасини 200 ўринли (I-тип) концерт зали қурилиши билан биргаликда 11-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабига реконструкциялаш». «ҚМИга».

***Муддати*** — 25.08.2010 й.

***Бошланғич нархи:*** — 1101,357213 млн. сўм ҚҚС билан,
— 917,797678 млн. сўм ҚҚСсиз.

**6.** «Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Туркистон 81-кўчасидаги 51,0х16,1 метрлик сузиш ҳавзасини капитал таъмирлаш». «ҚМИга».

***Муддати*** — 25.08.2010 й.

***Бошланғич нархи:*** — 225,7686 млн. сўм ҚҚС билан,
— 188,1405 млн. сўм ҚҚСсиз.

***Буюртмачи:*** «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
***Манзили:*** Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а, ***тел:*** (373) 224-24-33, 224-39-77.
***Қурилиш ишлари:*** Республика Болалар спортини ривожлантириши жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

***Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:*** ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

